БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 263 (19.639). • 1986 йил 21 ноябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ДАВЛАТ ҚАБУЛИГА ЎТИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ЯНГИЧА ТАРТИБ — МАТБУОТ НАЗОРАТИДА

Саноат маҳсулотининг сифатини оширишга хизмат қилиши лозим бўлган жуда муҳим тадбир — давлат қабули ошкора контрол остида, барча оммавий ахборот воситаларининг актив кўмаги билан жорий қилиниши керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги кенгашда шу ҳақда гапирилди. Кенгашга газеталар, телевидение ва радио редакцияларининг раҳбарлари, шунингдек иқтисодий мавзуда ёзадиган журналистлар таклиф этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромовнинг нутқида матбуотнинг давлат қабули проблемаларига бағишлаб, 14—15 ноябрь кунлари КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш материалларидан келиб чиқадиган асосий вазифалари таъкидланди.

Давлат қабули кенг жорий этила бошлагунча қолган ҳафталарда газеталар, телевидение, радио шу энг муҳим проблемага бағишланган махсус рубрикаларни очишлари зарур. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқида журналистлар олдига шундай вазифа қўйилганлиги маълум. Партия, касаба союз ташкилотлари, бошқа жамоат ташкилотларининг меҳнат коллективларини янги шароитларда ишлашга тайёргарлик кўриш соҳасидаги фаолиятини кўрсатиш жуда муҳим мавзу бўлиб қолиши керак. Давлат қабули кадрларини танлаш, технологиядаги танг жойларни тугатиш, ўлчовларнинг аниқлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни тўғри ҳозирлаш, бу ишда давлат стандарти органларининг роли ва ўрни каби масалалар ёритилиши керак. Ижобий тажрибанинг конкрет адреслари, давлат қабулчиларини кутиб олишга ёмон тайёргарлик кўраётган корхоналар айтилди.

Журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида республикамизда биринчилардан бўлиб давлат қабули органи фаолият кўрсата бошлади. Бирлашма бош инженерининг собиқ ўринбосари бошчилик қилаётган давлат контролерлари бригадаси корхонада ўз меҳнатлари билан ҳурмат-эътибор қозонган тажрибали мутахассис-тикувчилардан тузилган. Стандартлар давлат комитетининг «Қизил тонг»даги доимий вакили ҳисобланган бу контролерлар ўз ваколатларидан фойдалана бошладилар. Барча маҳсулотларнинг сифати, давлат стандартига мос келиш-келмаслиги қатъий кўрикдан ўтказилмоқда. Давлат қабулига ўтиш корхона фаолиятидаги танг жойларни аниқлаш, сифатни яхшилашнинг мавжуд резерв ва имкониятларини тез кунда ишга солиш мумкинлигини кўрсатиб бермоқда.

Суратда: техника назорати бўлими контролери Н. Азимова, давлат қабули вакили М. Обидова ва 3-цех бошлиғи М. Одиловалар тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

В. Молгачев фотоси.

МУҲИМ БОСҚИЧ

Жадаллаштиришни сифатсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шу боис ҳам у қайта қуриш даврининг энг марказий масаласи сифатида кун тартибига қўйилянти. Чунки айни пайтда эскича мезон, қандай бўлмасин бир хил маҳсулот ҳажмини ошириш йўли билан ишлаб бўлмайди. Ишимизда энг муҳими сифат ва яна сифат бўлмоғи лозим.

Партиямиз Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетида бўлган кенгашда сўзлаган нутқини синчиклаб ўрганяпмиз. Бунда саноат министрликларининг бирлашмалари ва корхоналарида маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш масалалари чуқур таҳлил этиб берилган. Шу сабабли у фаолиятимизда дастуриламал бўляпти. Негаки, шу пайтгача корхонамизда сифат назоратини ташкил этишнинг туб моҳиятини чуқур англамай келар эдик.

Заводимизда давлат қабули группасини тузишга яқинда киришилди. Унда ўн киши бор. Раҳбарликка ишчан мутахассис Б. Радицкий тавсия этилди. Ҳозир унинг етакчилигида ташкилотчилик ишлари қизиб кетди. Чунки заводимизда тайёрланадиган маҳсулотларнинг 30 проценти декабрь ойидан бошлаб давлат қабули группаси томонидан қабул қилиб олинади. 1987 йил 1 январдан бошлаб эса ялпи маҳсулот давлат назоратчиларининг имзоси билан истеъмолчиларга етиб боради.

Кўриниб турибдики, вақт жуда қисқа, муаммолар эса кўп. Асбоб-ускуналар, малакали кадрлар етишмаслиги, табиий шарт-шароитлар билан боғлиқ тўсиқлар ҳозирдан сезиляпти. Партия ташкилотларининг яқиндан бераётган кўмаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беряпти.

Яқинда заводимизда янги беш йилликдаги дастлабки зафар қучилди. Изофен ишлаб чиқариши йиллик топшириғини муддатидан қарийб бир ярим ой илгари бажарди. Коллектив йил охиригача яна 350 тонна қимматли химиявий маҳсулот етказиб беришга аҳд қилди. Катаран ишлаб чиқариши ишчилари ҳам ойлик графикдан ўзиб ишлаяптилар. Бироқ фозелон ишлаб чиқариши ҳақида бундай деб бўлмайди. Тўғриси, заводимизнинг қолоқлар сафига тушиб қилишида у ҳозирча бош айбдор бўлиб турибди.

Сифатни ошириш юзасидан партия ва ҳукуматимиз кўраётган чоралар заводимизда интенсивлаш суръатларига катта таъсир кўрсатади ва маҳсулот сифатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди.

В. КАМЦЕН,
Навоий электрохимия заводи бош инженерининг ўринбосари.

СССР Олий Советининг қарори

СССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети СССР Халқ контроли комитети раиси ўртоқ А. М. Школьниковнинг комитет фаолияти тўғрисидаги докладини ҳамда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг қўшимча докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, таъкидлайдики, СССР Конституцияси қоидалари ва халқ контроли тўғрисидаги қонунга мувофиқ, кейинги йилларда социалистик демократиянинг, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда совет кишиларининг активлигини оширишнинг муҳим формаси, қонунчилик ва интизомни мустаҳкамлашнинг таъсирчан воситаси бўлган халқ контролини кучайтириш соҳасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

СССР Халқ контроли комитети, республикалар ва жойлардаги халқ контроли органлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми йўл-йўриқларига, партия XXVII съезди қарорларига амал қилиб, партия директивалари, совет қонунлари ва ҳукумат қарорлари ижросини текшириш, давлат планлари ва топшириқлари бажарилишини контрол қилиш юзасидан ўз ваколатларидан активроқ фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Халқ контроли органлари давлат интизоми ва социалистик қонунчилик бузилиши, хизмат мавқеини суиистъемол қилиш, давлатга етказилган зарар учун ҳўжалик раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни оширмоқдалар. Контролнинг ошкоралиги кенгайтирилиб, текширув материаллари меҳнат коллективлари муҳокамасига қўйилмоқда, матбуотда, радио ва телевидение орқали ёритилмоқда.

Корхоналар, колхозлар, муассасалар, ташкилотлардаги халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари меҳнат коллективлари, ишчилар, колхозчилар, мутахассислар орасидан сайлаган халқ контролерларининг катта отряди ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги ўзининг фаҳ.ли ижтимоий бурчини виждонан бажармоқда.

Халқ контроли органлари ўз фаолиятида халқ депутатлари Советларидан ёрдам ва мадад олиб турибдилар. Иттифоқдош ва Автоном республикалар Олий Советларининг сессияларида, улар Президиумларининг мажлисларида, шунингдек маҳаллий Советларнинг сессияларида мазкур органлар ишининг муҳокама қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ контроли комитетлари Советларининг доимий комиссиялари билан биргаликда қонунлар талаблари ижросини текширишни кучайтирмоқдалар. Халқ контроли комитетлари ва группаларининг касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракати мустаҳкамланиб, халқ контролининг демократик потенциали анча кенгаймоқда. Қонунлар бузилишига қарши курашда халқ контроли органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан алоқалари ривожланмоқда.

Шу билан бирга СССР Олий Совети СССР Халқ контроли комитетининг фаолият даражаси КПСС XXVII съезднинг қарорлари асосида давлат ва жамоат органлари ишини қайта қуриш вазифаларига ҳали тўла даражада мос бўлиб туш маётганлигини уқтириб ўтади. Хўжалик барча тармоқларида фан-техника тараққиётини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш планларининг бажарилиши устидан мунтазам амалий, чинакам халқ контроли таъминланмаяпти, шартнома интизоми бузилишларига, сифатсиз маҳсулот чиқарилишига, қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликка, министрлик ва идоралар аппарати ишидаги бюрократизм ва сансалорлик кўринишларига, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга халақит бераётган барча нарсаларга қарши етарли даражада кураш олиб борилмаяпти.

СССР Халқ контроли комитети, республикалар, ўлкалар ва областлардаги кўпгина комитетлар ўз ишининг услуб ва методларини секинлик билан қайта қурмоқдалар, кўпинча энг муҳим хўжалик ва социал проблемаларни четлаб ўтиб, қонунлар бузилишининг олдини олишга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни амалий ҳал этишга етарли даражада таъсир кўрсатмаяптилар. Кўпинча давлат ва меҳнат интизоми бузилиши фактларига баҳо беришга расмиятчилик билан ёндашилмоқда, текширувлар юзаки тусда бўлиб, ишдаги нуқсонларни ва узилишларни қайд этиш билан чекланмоқда. Очиб ташланган камчиликларнинг сабаблари таҳлил этилмаяпти, зарур хулосалар чиқарилмаяпти, ишларни англаб олиш тўғрисида конкрет таклифлар билдирилмаяпти. Гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш чоғида мансабдор шахслар қонунларга риоя этишлари устидан зарур контрол таъминланмаяпти, меҳнаткашларнинг хатларига расмиятчилик билан, бюрократларча муносабатда бўлинишига йўл қўйилмоқда.

Бир қанча жойларда халқ депутатлари Советлари халқ контроли органларига тегишли даражада раҳбарликни амалга оширмаяптилар, уларнинг ишини чуқур ўрганиб чиқмаяптилар, текширувлар самарадорлигини оширишда уларга етарли ёрдам бермаяптилар.

СССР Халқ контроли комитети иттифоқдош республикалар халқ контроли органлари ишига етарли раҳбарлик қилмаяпти, халқ депутатлари Советлари, айниқса, давлат планлари бажарилишини контрол қилиш, халқ хўжалиги резервларини аниқлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилишни яхшилаш юзасидан уларнинг шаънига айтилган

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Олий Советининг қарори

«Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тўғрисида

«Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги СССР Қонуни 1987 йил 1 майдан кучга киритилсин.

2. СССР Олий Совети Президиумига ССР Иттифоқи Қонунларини «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш топширилсин.

3. СССР Министрлар Совети СССР ҳукуматининг қарорларини «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсин.

4. Иттифоқдош республикалар Олий Советларига иттифоқдош республикалар қонунларини «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

ВАТАННИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

М. В. Ломоносов туғилган куннинг 275 йиллигига бағишланган тантанали мажлис

Ломоносовнинг номи Ватанимиз фани ва маданияти осмонида ёруғ юлдуз бўлиб порлаб турибди. Ҳар томонлама билимдон буюк олим, толмас маърифатпарвар ва ўз мамлакатининг оташин ватанпарвари бўлган Ломоносов Ватанимиз ривожига жўшқинлик бахш этди, биз учун фан билан практикани боғлаш тимсоли, халқнинг қудратли кучини ўзида мужассамлаштирган зот бўлиб қолди.

Рус ва жаҳон фани даҳоси туғилган куннинг 275 йиллигига бағишланиб 19 ноябрь куни ССР Иттифоқи Большой театрида тантанали мажлис бўлди.

Тантанали мажлис қатнашчилари **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар. Президиумда Бутуниттифоқ юбилей комиссиясининг аъзолари, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик намояндалари ҳам ўтиришибди. Халқаро илмий ташкилотларнинг вакиллари, чет эллик таниқли олимлар ҳам шу ерда. Улар орасида СССР Фанлар академиясининг олий мукофоти — М. В. Ломоносов номли олтин медаль лауреатлари бор.

Тантанали мажлисни СССР Фанлар академиясининг президенти академик **Г. И. Марчук** очди. Ватан фани асосчисининг кўп қирали фаолияти, деди у, рус давлатининг ҳаётий эҳтиёжлари билан жуда чамбарчас тарзда боғланган. М. В. Ломоносов Ватан фанининг табиий фанлар ва техника, тарих ва фалсафа, адабиётшунослик ва ер тўғрисидаги фанлар соҳасида олдинги позицияларга чиқиши учун ҳормай-толмай курашди.

Кўп йиллар мобайнида Ломоносовнинг ҳаёти ва илмий ижодиёти Фанлар академияси билан узвий равишда боғлиқ бўлди. У Россияда маориф ва маърифатни ривожлантириш учун, мамлакат олимларини тайёрлаш учун кўп иш қилди.

Ломоносов кашф этган ҳам материяга, ҳам ҳаракатга тааллуқли бўлган, кейинчалик замонавий фан негизларидан бирига айланган сақланиш умумий қонуни унинг фалсафий ва табиийилмий қарашларининг назарий асоси бўлди.

Ломоносовнинг ҳамма соҳаларни қамраб олувчи энциклопедизми унинг ажойиб фазилати эди.

Ломоносовнинг илм-фаннинг етакчилик роли ҳамда унинг практика билан бирлиги тўғрисидаги, халқ маорифининг муҳимлиги ҳақидаги ғоялари нақадар башоратли бўлиб чиққанини ҳозир яққол кўриб турибмиз, деб таъкидлади нотиқ.

Олим жуда катта умидлар билан қараган «бепоён Сибирь« эндиликда СССР Фанлар академиясининг, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг, Медицина фанлари академиясининг қудратли бўлимларига эга бўлиб қолди.

М. В. Ломоносовнинг Шимолий денгиз йўлини ўзлаштириш тўғрисидаги дадил фикрлари ҳам рўёбга чиқди.

Айни вақтда буюк ватандошимиз бутун инсониятнинг фарзандидир. Оташин ватанпарвар бўлган Ломоносов халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик бўлишини астойдил хоҳлар эди. У тинчликни халқлар фаровонлигининг, маориф ва илм-фанни тарқатишнинг шарт-шароити деб ҳисоблар эди. Ҳозир барча илғор олимларнинг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг дилига яқин бўлган халқлар тинчлиги ва фаровонлиги тўғрисидаги бу порлоқ сўзлар Россия диёрида икки аср муқаддам янграган эди.

Ватан фани асосчисининг, рус халқи буюк фарзандининг шонли номи барча совет кишиларига азиздир. Ломоносовнинг илмий жасорати давримиз олимларини фидокорона меҳнатга, совет фанини ривожлантиришда социалистик Ватанимиз тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш йўлидаги янги ютуқларга руҳлантирмоқда.

«М. В. Ломоносов — Ватан фанининг асосчиси» мавзуида СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик **К. В. Фролов** доклад қилди. Буюк рус олимининг ҳаёти ва ижоди рус ва жаҳон фани ҳамда маданиятни ривожлантиришда бутун бир даврни ташкил этди, деди у. Докладчи Ломоносовнинг ўқиш йилларига батафсил тўхталиб, синчков йигит зўр қобилияти ва меҳнатсеварлиги билан фанларни ўрганишда тез илгарилаб борганлигини таъкидлади. У беш йил мобайнида лотин ва грек тилларини яхши ўзлаштиришга, арифметика, география, тарихни ўрганишга, лотин ва рус шеърияти сирларини ҳамда шеър ёзиш қонун — қоидаларининг асосларини билиб олишга муваффақ бўлди.

1741 йилда ўттиз яшар Ломоносов ўқишни тамомлаб, Петербург фанлар академиясида ҳар томонлама ва самарали фаолият бошлайди, шу фаолият давомида у табиёт ва техника соҳаларида кўпгина илмий кашфиётлар ва ажойиб тадқиқотлар қилди, қимматли тарихий ва адабий асарлар яратди.

Ломоносов фанни назария билан практиканинг ажралмас бирлиги, деб билиб, билиш жараёнини табиат «ҳақиқатини синчиклаб ўрганиш» деб ҳисоблайди, олим тажрибани ҳақиқатни аниқлашнинг ишончли воситаси, деб билиб, унга биринчи даражали аҳамият берди. М. В. Ломоносовнинг назария билан тажрибанинг XVIII аср фани учун мислсиз бўлган уйғунлигини назарда тутувчи ижодий методи бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Физика билан химия Ломоносовнинг энг севган фанлари эди, шу фанларни ривожлантиришга у бебаҳо ҳисса қўшди. Физика соҳасида унинг энг муҳим тадқиқотлари иссиқлик, ёруғлик ва электр нури тўғрисидаги таълимотга тааллуқлидир.

Олим механика ва акустика, астрономия ва оптика қонунларини тадқиқ қилиб ҳамда тасдиқлаб, тажриба тадқиқотлари учун бир талай приборлар ясади. Кузатувлар натижасида у очган ажойиб кашфиётлар «Венера планетаси қалин ҳаво атмосфераси билан қуршалган»лигини исботлар эди. Орадан роппа-роса 200 йил ўтгач, совет астрофизиклари радиолокация ёрдамида Венеранинг асосий физикавий параметрларини аниқлаб, шу кашфиётни тасдиқладилар.

Механик ва истеъдодли конструктор бўлган Ломоносов турли-туман машина ва механизмларни — сув кўтаргичларни, учувчи аппарат — «аэродинамик машина»ни, момақалдироқ чақмоқлари ўрганиладиган машина ва бошқа кўпгина конструкцияларни яратиш соҳасида кўпгина ноёб ечимларни таклиф қилди. Анчагина ажойиб приборларни ихтиро этган геннал рус олими ҳақли равишда ватан приборсозлигининг асосчиси, деб ҳисобланиши мумкин.

Ломоносов химиявий тадқиқотларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. У барча тараққийпарвар фанлар каби химиянинг ҳам пировард мақсадларини «ҳаётий неъматларни кўпайтириш»да, деб тушунди. Ломоносов 1748 йилда фанлар академиясининг химия лабораториясини очганидан кейин, унинг химия соҳасидаги тадқиқотлари айниқса кенг қулоч ёйди, бу лабораторияни дунёдаги биринчи таълим-тадқиқот маркази, деса бўлади. У минералогия, геология, география соҳаларида ва бошқа бир қанча табиий фанлар соҳаларида чуқур ишланмаларни бажарди, қитъалар, тоғлар ва океанларнинг пайдо бўлиш жараёнларини, металл рудалар ва ёқилғи бўладиган қазилмалар — кўмир, нефть, торф ва сланецларнинг келиб чиқишини изоҳлаб берди.

Ломоносовнинг замондошлари, ватан ва чет эл фани ҳамда маданиятининг таниқли арбоблари унинг илм-фанга, шеъриятга ва санъатга қўшган ҳиссасини юксак баҳоладилар. 1760 йилда у Швеция фанлар академиясининг фахрий аъзоси, сўнгра Петербург тасвирий санъат академиясининг ва Италиядаги Болонье академиясининг фахрий аъзоси бўлиб сайланди. Унинг асарлари Ф. Энгельсда қизиқиш уйғотди.

Михаил Васильевич Ломоносов «илм-фан туфайли олтин аср бошланиши»ни орзу қилган эди. Партия билан ҳукуматимиз фан-техника тараққиётига, фундаментал фанларни устун даражада ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётган бизнинг давримизда ҳам бу орзулар актуал бўлиб турибди, деб таъкидлади докладчи.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда илм-фаннинг жамиятни ривожлантиришга реал ҳиссасини ошириш масалалари зўр ғайрат билан, янгичасига қўйилмоқда. КПСС XXVII съездининг жадаллаштиришга, қайта қуришга, совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга қаратилган йўлини амалга ошириш фан билан ишлаб чиқаришни бирга қўшишнинг энг самарали формаларини излаш ва амалга оширишни талаб қилмоқда.

М. В. Ломоносов инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларига, табиий бойликлардан ва инсон ақлидроки самараларидан фойдаланишга ҳамиша «тафаккур нигоҳи» билан қаради. Аммо ҳозирги шароитларда фан ва техниканинг энг янги ютуқлари, маълумки, мисли кўрилмаган вайрона келтирувчи куч бўлиб ҳам қолиши мумкин. Жаҳон олимлари олдида ҳозир инсониятни ядро урушидан қутқариб қолишдек энг актуал вазифа турибди, жаҳон реакцияси кучлари одамзотни ана шу уруш қаърига тортишга уринмоқда. Рус фанининг асосчиси бўлган М. В. Ломоносов тинчлик учун ва халқлар ўртасидаги тотувлик учун эҳтиросли курашчи эди.

Рейкьявикдаги Совет — Америка учрашувида тақдим этилган тинчлик таклифларига ўзининг жами яхши ниятини мужассам этган Совет Иттифоқининг аниқ-пухта, принципал, изчил ва мантиқий жиҳатдан асосланган позицияси бутун инсониятга Ер юзида тинчликни сақлаш проблемасига бизнинг принципиал позициямизни намойиш этди.

Ана шу олижаноб ва инсонпарвар мақсадга эришиш илмпарвар буюк алломага, халқларнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи илм-фанга энг яхши ёдгорлик бўлур эди. Ломоносов бугун ҳам олимларимизни фидокорона меҳнатга, илғор совет фанини ривожлантиришда янги ютуқларга эришишга, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, социализмнинг бунёдкорлик имкониятларини яна ҳам тўлароқ ишга солишга илҳомлантирмоқда.

Машҳур олим ва мутафаккир бўлган Михаил Васильевич Ломоносов, Белинский ибораси билан айтганимизда, «Инсоният олами ва рус халқи шон-шавкатини таъминлаган улуғ сиймо, улуғ воқеа эди». КПСС Архангельск область комитетининг биринчи секретари **П. М. Телепнев** ўз нутқида ана шу фикрни таъкидлади. Совет фанининг таниқли намояндалари ҳар йили Ломоносовга бағишлаб ўтказиладиган йиғинларга келиб, улуғ олим юртдошлари олдида ўз меҳнатлари ҳақида ҳисоб беришни ўзлари учун шон-шараф, деб биладилар.

Бугунги Архангельск области кўп тармоқли, муттасил ривожланиб бораётган комплексдир. Илмий муассасаларда космик ва геофизик тадқиқотлар муваффақиятли ўтказилмоқда, шимолий денгизларнинг биологик ресурслари, шимол шароитларига одамнинг мослашуви масалалари ўрганилмоқда. Рус миллий маданиятининг бойликларини ўрганиш, тарих ва халқ ижоди ёдгорликларини асраб қолиш ҳам олимларнинг диққат марказида турибди.

Ломоносов юртдошлари билимнинг кўп тармоқлари бўйича жаҳонда илғор ўринларни эгаллаб турган Ватанимиз фанининг катта ютуқлари билан фахрланадилар.

Илм-фанимиздаги Ломоносов анъаналари — дадил новаторлик тафаккури, тиниб-тинчимас ижодкорлик ва халққа садоқат анъаналари бундан буён ҳам қарор топаверсин.

Россия буюкдир, аммо Ломоносов фақат шимолда туғилиши мумкин эди, деди СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари **А. А. Михайлов**. Бу ерда эрксеварлик ва маърифатпарварлик руҳи ҳукмрон эди. Шимолий муз океанининг суронли нафаси инсон кўксини тўлдириб турарди. Денгиз бўйида яшаган инсон феъл-атвори шу тарика шаклланди, ирода ва бардоши шу тарика тобланди. Эзгу мақсад йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни дадил енгадиган ломоносовча бардош ва чидам шу тарика юзага келди.

Денгиз ёқасидаги шимол узоқ йиллар мобайнида кўҳна адабиёт қўлёзма ёдгорликларининг ҳазинаси, рус халқи оғзаки ижоди асарларининг бош ҳазинаси бўлиб келди. Шоир ва нотиқ Ломоносов худди ана шундай тил манбаида ва маданият муҳитида ўсиб, вояга етди. Худди ана шундай шароитда улуғ олим ва шоир етилиши лозим эди ва етилиб чиқди ҳам. Ломоносов яратган «Россия грамматикаси» буюк жасорат эди. Бу асар илм-фан қирғоқларига тилнинг қудрати, нафосати-ю жозибасини олиб чиқди. Замонавий рус адабий тилининг тамал-тоши бўлди. Ломоносов қўйган пойдевор негизида ўн тўққизинчи асрга келиб рус сўзи барқ уриб гуллади ҳамда Карамзин асарларида, Пушкин шеъриятида инсон руҳининг чўққиларига кўтарилди. Бугун биз, улуғ олимнинг авлодлари миллий ғурур туйғуси билан ва оламга Михайло Ломоносовдек ҳудудсиз маънавий қудратни туҳфа этган инсондан фахрланиш туйғуси билан унинг номини, унинг хотирасини ёдга оламиз.

Шундан кейин мажлисда раислик қилаётган академик Г. И. Марчук Фанлар академияси номига ва ушбу йиғилиш номига илмий ва жамоатчилик ташкилотларидан, шу жумладан чет эллардаги илмий ва жамоат ташкилотларидан жуда кўп телеграммалар ва табрикномалар келганлигини маълум қилади. ЮНЕСКО Бош секретаридан ҳам телеграмма олинди. Олим ана шу рус ва жаҳон маданияти тарихидаги шонли сана муносабати билан қутловлар йўллаган кишиларга ташаккур изҳор этди.

Пировардида тантанали мажлис қатнашчиларига М. Мусоргскийнинг «Борис Годунов» операси кўрсатилди.

(ТАСС).

СССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

таклиф ва танқидий фикларни ҳамиша ҳам ҳисобга олмаяпти. Халқ контролерлари ана шу вазифаларни ҳал этишга сust сафарбар этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси контролнинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини пасайтириб, жиддий камчиликларни илдиз отмасдан туриб тугатишга имконият бермаяпти.

СССР Олий Совети экономикани ва социал-маданий соҳани комплекс ривожлантиришни таъминлаш, тегишли территорияда ижтимоий ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш ва унинг самарадорлигини оширишни жадаллаштириш соҳасида Советлар амалга ошираётган ишлар халқ контроли барча органларидан ана шу муҳим масалаларни амалий ҳал этишда мунтазам ва фаол иштирок этишни талаб қилади, деб ҳисоблайди.

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Халқ контроли комитетига, республикалар ва жойлардаги халқ контроли органларига мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш манфаатлари йўлида давлат ва жамоат органлари ишини дадил қайта қуриш тўғрисида КПСС XXVII съездининг кўрсатмаларига амал қилиб, партия директивалари, совет қонунлари ва ҳукумат қарорлари амалда қандай ижро этилаётганлигини текшириш таъсирчанлигини қатъият билан ошириш, давлат план ва шартнома интизоми бузилишининг олдини олиш, бошқарув аппарати, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишидаги камчиликларни тез бартараф этишга эришиш вазифаси топширилди. Давлат ва жамият манфаатларига зарар етказилган барча ҳолларда дадил ва принципиал равишда иш кўрилсин. Контролнинг ошкоралиги кучайтирилсин.

2. СССР Халқ контроли комитетига:

корхона, колхоз, муассаса ва ташкилотдаги ҳар бир халқ контроли комитети, ҳар бир группа ва пост ишлаб чиқаришни интенсивлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажаришга оид конкрет вазифаларни рўёбга чиқаришда, хўжасизликка ва халқ мулкига ҳар қандай тажовузларга қарши, барча иш участкаларида тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, бюрократизм ва сансалорликни таг-томирч билан тугатиш учун курашда қонун белгилаб берган ваколатлардан тўлиқ фойдаланишларини таъминлаш;

Озиқ-овқат программаси, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программаси амалга оширилиши, уй-жой қурилиши ва социал соҳа объектлари қурилиши планларини бажарилиши, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контролни кучайтириш;

давлат бошқарув аппарати фаолиятини ташкил этишдаги камчиликларни тугатишда халқ контролининг ролини ошириш, идоравий контролнинг йўлга қўйилишини мунтазам ва чуқур текшириб бориш, унинг таъсирчанлигини оширишга эришиш, мана шу ишларнинг аҳволи учун министрликлар, бошқа органлар ва ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш;

қонунчилик ва давлат интизоми бузилиши, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, таниш-билишлик, фаолиятсизлик ва бепарволик, камчиликларга нисбатан муросасозлик муносабати учун барча мансабдор шахслар жавобгарлигини ошириш топширилди.

3. СССР Халқ контроли комитетига, халқ контроли барча органларига:

ўз ишининг услуб ва методларини доимо такомиллаштириш, унинг натижаларига ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан баҳо бериш, юксак даражада ўзаро талабчанлик ва принципиаллик вазиятини вужудга келтириш топширилди. Комитет аъзоларининг роли ва масъулияти оширилсин; ҳар бир текширув камчиликларни тузатишга ва уларнинг олдини олишга, қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликларга, давлатни ҳар қандай йўл билан алдашга уринишларга барҳам беришга, интизомни мустаҳкамлашга, ишни барқарор яхшилашга, социал адолат принципларини қарор топтиришга кўмаклашишига эришилсин;

халқ контроли группалари ва постларининг иши изчил яхшиланса, ҳар бир халқ контролерининг иши активлаштирилиб, уларнинг депутатлар группалари ва постлари, касаба союз, комсомол ва ўзга жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари билан алоқалари кенгайтирилсин. Ишшундай йўлга қўйилсинки, токи халқ контролерлари меҳнат коллективлари олдида мунтазам ҳисоб бериб турсинлар;

гражданларнинг фикр-мулоҳазалари диққат билан кўриб чиқилиши ҳамда уларда маълум қилинган қонун бузилишлари ва суиистеъмол қилиш фактлари юзасидан узил-кесил чоралар кўрилиши, матбуот хабарларидан ва меҳнаткашларнинг хатларидан контрол самарадорлигини ошириш мақсадида оператив фойдаланиш таъминлансин;

халқ контроли органлари кадрлари ҳар қандай камчиликларга ва совет қонунлари бузилишига нисбатан муросасизлик, ўз вазифаларини виждонан бажариш, юксак ахлоқий поклик руҳида тарбиялансин. Халқ контроли органларида кадрларнинг аттестациядан мунтазам ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

4. Иттифондош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари, Олий Совет Президиумлари, Министрлар Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари КПСС XXVII съездининг қабул қилинган қарорлар, планлар ва қонунлар бажарилиши устидан контролни тубдан яхшилаш, бутун контрол фаолиятини активлаштириш тўғрисидаги талаблари асосида халқ контроли органларига раҳбарликни кучайтириш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширсинлар, халқ контроли органлари иши мунтазам ва чуқур таҳлил қилиб борилсин. Тегишли давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини контрол қилишда ана шу таҳлилга таянилсин. Халқ контроли комитетларининг ҳисоботлари Советларнинг сессияларида мунтазам муҳокама қилинсин. Энг муҳим текширувларнинг натижалари юзасидан уларнинг маълумотлари ва таклифлари республикалар Олий Советлари Президиумларида, Министрлар Советларида ва маҳаллий Советлар ижроия комитетларида кўриб чиқилсин. Очиб ташланган камчиликларга принципиал баҳо берилсин. Халқ контролерлари ҳар қандай қисувлардан ҳимоя қилиниб, уларнинг қонун белгилаб берган ҳуқуқлари гарантияланишига риоя этилиши таъминлансин, танқидни бўғиш, халқ контролерлари таъқиб этилиши учун мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик кучайтирилсин.

5. СССР иттифоқдош ва автоном республикалар министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, бирлашмалар, корхоналар, колхозлар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари халқ контроли органларининг ишига бутун чоралар билан ёрдам берсинлар, текширув материалларидан оператив фойдаланилсин, мазкур органлар ўртага қўйган масалалар ва таклифлар ишчанлик билан кўриб чиқилсин, аҳволни тузатиш учун узил-кесил чоралар кўрилсин, камчиликлар, қонун бузилишларининг айбдорлари қаттиқ жавобгарликка тортилсин, халқ контролерларининг фаолияти рағбатлантирилиб, уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинсин.

6. ССР Иттифоқи Прокуратураси қонун бузилишлари, мансабдор шахсларнинг қонунни бузганликлари, ўз мансабини суиистеъмол қилганликлари тўғрисидаги халқ контроли комитетларидан тушадиган материаллар ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ана шу материаллар юзасидан қўзғатиладиган жиноий ишлар тергов қилинишини таъминласин. СССРда халқ контроли тўғрисидаги, айниқса халқ контролерларининг ҳуқуқлари ва қонуний ҳаракатларини, ҳимоя қилиш ишида қонун талабларига қандай риоя этилаётганлигини СССР Халқ контроли комитети билан биргаликда текшириш практикаси қўлланилсин.

7. Палаталар қонун лойиҳалари комиссияларининг қўшимча докладида ва депутатларнинг мазкур сессиядаги нутқларида СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисидаги масала юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалари СССР Министрлар Советига юборилсин.

СССР Министрлар Совети идоравий контрол аҳволи учун СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари раҳбарларининг масъулиятини оширсин. Бошқарув соҳасида контрол қилувчи органлар фаолиятини янада такомиллаштириш, контролни амалга оширишда бир хиллик ва такрорлашга йўл қўймаслик, халқ хўжалигининг барча тармоқларида контрол таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишини мувофиқлаштиришни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар қабул қилинсин.

* * *

СССР Олий Совети халқ контроли органлари социалистик контролнинг ленинча принципларига ҳамда партия ва давлат директивларига оғишмай амал қилиб, КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшади, деб ишонч билдиради.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

СССРда якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан молларга ва хизматларга ижтимоий эҳтиёжларни янада тўла-тўкис қондириш, гражданларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишини ошириш, уларга ўз меҳнат сарфига мувофиқ қўшимча даромад олиш имкониятини бериш учун фойдаланилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти.

СССР Конституциясига ушбу қонунга мувофиқ СССРда косибчилик-ҳунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолиятига, шунингдек гражданлар ва улар оила аъзоларининг фақат шахсий меҳнатига асосланган бошқа турдаги фаолиятга йўл қўйилади. Давлат якка тартибдаги меҳнат фаолиятини тартибга солиб, ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланишни таъминлаб туради.

Гражданларнинг давлат, кооператив, бошқа жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлар ва гражданлар билан меҳнат муносабатларига, шунингдек ички колхоз меҳнат муносабатларига алоқадор бўлмаган моллар ишлаб чиқариш ва ҳақ олиб хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижтимоий фойдали фаолияти якка тартибдаги меҳнат фаолиятидир.

Давлат якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларнинг давлат, кооператив, бошқа жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари билан шартномавий муносабатлар боғлашларини ҳамда шу гражданларни қонунда белгиланган тартибда кооперативларга, кўнгилли жамиятларга, ширкатларга бирлашиш-ларини рағбатлантиради.

Ёлланма меҳнатни жалб этиб, меҳнатсиз даромад олиш мақсадида ёки бошқа ижтимоий манфаатларга зарар келтирадиган якка тартибдаги меҳнат фаолиятига йўл қўйилмайди.

2-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунлар

Гражданларнинг якка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун билан ҳамда ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг бошқа Қонун актлари билан тартибга солинади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши гражданларнинг фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги ижодий фаолиятига, шунингдек бир галги характердаги ҳақ олиб бажариладиган ишларга ҳамда ҳажми ва меҳнат ҳақи жиҳатидан жузъий ишларга жорий этилмайди.

3-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятига ижозат бериладиган гражданларнинг категориялари

Ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашувчи балоғатга етган гражданларга асосий иш вақтидан бўш вақтларда, уйрўзғор ишидаги аёлларга, инвалидларга, пенсионерларга, студентларга ва ўқитувчиларга якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига ижозат берилади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда шуғулланмайдиган бошқа граждан ҳам ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ижтимоий эҳтиёжларни эътиборга олиб шундай фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Гражданлар ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари (эри ёки хотини, отаонаси ва 16 ёшга етган бошқа қариндошлари ҳамда боқувидаги кишилар) иштирокида якка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари нодир бадиий буюмлар тайёрлашда юксак маҳоратга эга бўлган гражданларга ижтимоий эҳтиёжларни эътиборга олиб, муайян ишга қизиқадиган ва қобилияти бўлган бошқа гражданларга ўз касбини ўргатишларига ижозат беришлари мумкин. Бундай касб ўргатиш тўғрисидаги Низомни СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ВЦСПС билан келишиб тасдиқлайди.

4-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти машғулотлари учун фойдаланиладиган мол-мулк

Гражданлар якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ўзларининг шахсий мулки бўлган ёки буюртмачи берган хом ашё, материал, асбоб ва бошқа мол-мулкдан фойдаланиб, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ёки гражданлар билан мол-мулкни ижарага олиш шартномаларига мувофиқ олинган мол-мулкдан фойдаланиб амалга оширадилар.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилар ўзларига зарур хом ашё, материал, асбоб ва бошқа мол-мулкларни давлат, кооператив чакана савдо тармоғида ва бозорларда сотиб оладилар, шунингдек белгиланган қоидаларга риоя этиб, шу фаолият учун зарур табиий ресурслардан фойдаланадилар.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда бу кишилар корхоналардан, муассаса ва ташкилотлардан ортиқча ва фойдаланилмай ётган материалларни ҳамда бошқа мол-мулкни сотиб олишлари мумкин.

5-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларга кўмак бериш

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар муайян жой аҳолисининг тегишли молларга ва хизматларга эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида, якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланувчи гражданларга шу фаолият билан шуғулланиш учун зарур бўлган хом ашё, материал, асбоб ва бошқа мол-мулкларни сотиб олишда, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда кўмак берадилар, уларга аҳоли яшамайдиган хоналарни ва бошқа мол-мулкларни белгиланган тартибда ижарага топширишлари, шунингдек зарур ахборот беришлари мумкин. Аввало бундай кўмак корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартнома тузган гражданларга, шунингдек меҳнат қобилияти камайган ёки олис ва бориш қийин бўлган районларда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган гражданларга берилади.

ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети ва унинг территориал органлари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларни зарур материал-техника ресурслари билан таъминлайдилар.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларга зарур хомашё, материал, асбоб ва бошқа мол-мулкларни сотиб олиш, шунингдек уларни ижарага ёки прокатга олиш учун белгиланган тартибда кредит берилиши мумкин.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи айрим категориядаги гражданларга —уруш ва меҳнат ветеранларига, инвалидларга, сурункали касалга чалинган кишиларга ва бошқаларга ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида шу фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган имтиёзлар (аҳоли яшамайдиган хоналарни ижарага олиш, зарур мол-мулкларни имтиёзли шартлар билан сотиб олиш ва ҳаказолар учун устун ҳуқуқ) берилиши мумкин.

6-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ижозат бериш

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган гражданлар ўзи доимий яшайдиган жойдаги халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Совети ижроия комитетининг ижозатини олиши лозим. Ижозатноманинг амал қилиш муддатини халқ депутатлари тегишли Советининг ижроия комитети белгилайди, аммо у беш йилдан ошмаслиги керак.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ижозат беришдан бош тортиш тўғрисидаги қарор юзасидан халқ депутатлари юқори Советининг ижроия комитетига, автоном республикининг Министрлар Советига, областларга бўлинмаган иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советига шикоят қилиш мумкин.

Халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, областларга бўлинмаган иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг ижозат олмай шуғулланиш мумкин бўлган турларини белгилаб беришлари мумкин. Бу ҳақдаги қарор аҳолига маълум қилинади.

7-модда. Гувоҳномани рўйхатдан ўтказиш, патент

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишни бошлашдан аввал гражданлар халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитетининг молия бўлимига рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома олишлари ёки патент сотиб олишлари лозим.

Гражданлар патент сотиб олиши мумкин бўлган фаолият турларини ва патент учун ҳар йилги ҳақ миқдорларини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилаб беради.

Рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома ва патент бериш учун белгиланган тартибда давлат пошлинаси олинади.

8-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларнинг вазифалари

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданлар шу фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибига, харидорларнинг, буюртмачиларнинг ва бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этишга; ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг тегишли сифатини таъминлашга, санитария қоидаларига, ёнғинга қарши қоида ва нормаларга, шунингдек фаолиятнинг мазкур турига оид бошқа қоидаларга риоя қилишга мажбурдирлар.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган ва шу фаолиятдан оладиган даромадлари учун амалдаги қонунларга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган гражданлар мазкур фаолиятдан олинадиган ҳамма даромадларни ва қилинган харажатларни ҳисоблаб боришга ҳамда олаётган даромадлари тўғрисида ўзлари доимо яшайдиган жойдаги халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитетининг молия бўлимига декларация топширишга мажбурдирлар.

9-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларнинг даромадларига солиқ солиш

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданлар шу фаолиятдан олаётган даромадларидан ССР Иттифоқи Қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда солиқ тўлайдилар. Солиқ миқдорлари олинаётган даромадлар миқдорига қараб ва иж-тимоий манфаатларни назарда тутиб белгиланади.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган патентга эга бўлган гражданлар фаолиятнинг мазкур тури билан шуғулланишдан олинадиган даромадлардан даромад солиғи тўлашдан озод қилинади.

10-модда. Патент учун ҳақ

Патент учун ҳақ давлат, кооператив, бошқа жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотларидаги шунга ўхшаш фаолият билан шуғулланувчи кишиларнинг ёки патентсиз якка тартибдаги меҳнат тартибида шунга ўхшаш ишни бажараётган кишиларнинг ўртача йиллик даромадига ва аҳолидан олинадиган даромад солиғининг тегишли ставкаларига биноан белгиланади.

Мазкур ҳақ суммаси СССР Давлат бюджети даромадига аҳолидан олинадиган даромад солиғини ўтказиш учун белгиланган тартибда қўшилади.

II. КОСИБЧИЛИК-ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИДА ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

11-модда. Косибчилик-ҳунармандчилик соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш

Сотиш учун маҳсулотлар тайёрлаш косибчилик-ҳунармандчилик соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти деб, тан олинади.

Косибчилик-ҳунармандчилик маҳсулотлари белгиланган тартибга мувофиқ маҳсулот тайёрланган жойнинг ўзида ҳам, шунингдек бошқа шаҳарлар ва районларда ҳам граждан қонунлари нормаларига риоя этган ҳолда сотилади.

12-модда. Косибчилик-ҳунармандчилик соҳасида йўл қўйиладиган фаолият турлари

Косибчилик-ҳунармандчилик соҳасида:

1) кийим-кечак, пойабзал, бош кийим, мўйнали, тикилган ва галантерея буюмлари;

2) калава ип, тўқимачилик материаллари, тўқилган ва кашта тикилган маҳсулотлар;

3) мебеллар, бошқа дурадгорлик буюмлари;

4) гиламлар ва гилам буюмлар;

5) сопол ва керамика буюмлари;

6) ўйинчоқлар ва совға буюмлари;

7) рўзғор буюмлари, боғполиз асбоб-анжомлари;

8) балиқ овлаш анжомлари (фойдаланиш тақиқланган анжомлардан ташқари);

9) ёғоч, қоғоз, суяк, қамиш, новда, похол, ғаров ва бошқа материаллардан маҳсулотлар тайёрлашга рухсат этилади.

Косибчилик-ҳунармандчиликнинг бошқа турлари, агар улар билан шуғулланиш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида тақиқланмаган бўлса, уларга ҳам ижозат берилади.

13-модда. Косибчилик-ҳунармандчилик соҳасидаги шуғулланиш тақиқланган фаолият турлари

Косибчилик-ҳунармандчилик соҳасида:

1) ов қилинган ва давлатга албатта топширилиши лозим бўлган, давлат тамғаси (штампи) қўйилмаган қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар терисидан, шунингдек гражданларнинг боқиши тақиқланган мўйнали йиртқич ҳайвонлар терисидан буюмлар;

2) химиявий ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари;

3) заҳарли ва наркотик моддалар, шунингдек доридармонлар;

4) қимматбаҳо металлардан, қимматбаҳо тошлардан ва қаҳрабодан буюмлар ёки шу материаллар қўлланилган буюмлар;

5) ҳар қандай турдаги қурол-яроғ, жанговар ўқ-дори, портловчи модда ва пиротехника маҳсулотлари;

6) кўпайтирадиган ва нусха кўчирадиган аппаратлар, штамплар, штемпеллар, печатлар, шрифтлар тайёрлаш тақиқланади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларига мувофиқ косибчилик-ҳунармандчиликнинг бошқа турлари билан, агар улар жамият манфаатларига зид бўлса шуғулланиш ҳам тақиқланиши мумкин.

III. АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ СОҲАСИДА ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

14-модда. Аҳолига маиший хизмат соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш

Ҳақ олиб аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маиший хизмат соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти, деб тан олинади.

Ҳақ олиб маиший хизмат кўрсатиш граждан Қонунлари нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Аҳолига маиший хизмат соҳасида ижозат бериладиган хизмат турлари

Аҳолига маиший хизмат соҳасида:

1) уй-жойлар, боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар қуриш, уларни ремонт қилиш, жиҳозлаш ва ободонлаштиришга;

2) гражданларга бериб қўйилган ер участкаларини ободонлаштириш соҳасида хизмат кўрсатишга;

3) чорва молларини боқиб беришга;

4) шахсий автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларининг техникавий қаровига ва уларни ремонт қилиб беришга;

5) металл буюмларни, рўзғор машиналари ва приборларини, радиотелевизион аппаратларни ремонт қилиб беришга;

6) кийим-кечак, пойабзал, бош кийим, мўйнали, тикилган ва галантерея буюмларини ремонт қилиб беришга;

7) мебелни, бошқа дурадгорлик буюмларини, боғ-полиз асбоб-анжомларини ремонт қилиб беришга;

8) гиламларни ва гилам маҳсулотларни ремонт қилиб беришга;

9) гражданларнинг буюртмаларига мувофиқ фотосуратга олишга ва бошқа фото ишларига;

10) сартарошликка, шунингдек даволаш ва хирургия фаолияти билан боғлиқ бўлмаган косметика хизматларига;

11) стенография, машинкада ёзиш ва муқовалаш ишларига;

12) шахсий автомобилларнинг ва бошқа транспорт воситаларининг эгалари томонидан гражданларга транспорт хизмати кўрсатишга;

13) ёлғиз кексаларга, инвалидларга ва меҳнат қобилиятини йўқотган бошқа гражданларга хизмат қилишга;

14) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ туристларга, экскурсияларга ва бошқа гражданларга пансион хизмати кўрсатиш (жойлаштириш, маиший хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар)га ижозат берилади.

Аҳолига маиший хизмат соҳасидаги хизматларнинг бошқа турларига ҳам, агар шундай хизматларни кўрсатиш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида тақиқланган бўлмаса, ижозат берилади.

16-модда. Аҳолига маиший хизмат соҳасида тақиқланган хизмат турлари

Аҳолига маиший хизмат соҳасида:

1) қимматбаҳо металлардан, қимматбаҳо тошлардан ва қаҳрабодан ясалган буюмларни ёки шундай материаллар қўлланиб тайёрланган буюмларни ремонт қилиш ва ўзгартириб бериш;

2) ўйинхоналар, аттракционлар, ҳаммомлар сақлаш, қимор ўйинларини ташкил этиш, спорт мусобақаларида ва бошқа мусобақаларда пул тикиш;

3) ҳар қандай турдаги қурол-яроғни ремонт қилиб бериш тақиқланади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида аҳолига маиший хизмат соҳасидаги бошқа хизмат турларини кўрсатиш, агар жамият манфаатларига зид бўлса, тақиқлаб қўйилиши мумкин.

IV. СОЦИАЛ-МАДАНИЙ СОҲАДА ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

17-модда. Социал-маданий соҳада якка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш

Ҳақ олиб кўрсатиладиган социал-маданий хизматлар социал-маданий соҳада якка тартибдаги меҳнат фаолияти, деб тан олинади.

Айрим касбларни ва кўникмаларни ўргатиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек медицина, педагогика ва бошқа махсус билимларни талаб қиладиган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш зарур тайёргарликка эга бўлган, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида кўзда тутилган ҳолларда эса тегишли маълумотга ҳам эга бўлган гражданларга рухсат этилади.

Ҳақ олиб кўрсатиладиган социал-маданий хизматлар соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти граждан қонунлари ва қонунларнинг бошқа тармоқлари нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

18-модда. Социал-маданий соҳада ижозат бериладиган хизмат турлари

Социал-маданий соҳада:

1) бичиш ва тикишни, тўқишни ўргатишга;

2) музика асбобларида чалишни, хореографияни ўргатишга;

3) стенография ва машинкада ёзишни ўргатишга;

4) репетиторлик тартибида машғулотлар ўтказишга;

5) чет тиллардан, шунингдек СССР халқларининг тилларидан текстларни таржима қилишга;

6) медицина фаолияти билан шуғулланишга ижозат берилади.

Социал-маданий хизмат кўрсатишнинг бошқа турларига ҳам, агар шундай хизмат турларини кўрсатиш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида тақиқланмаган бўлса, ижозат берилади.

19-модда. Социал-маданий соҳада шуғулланиш тақиқланган якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг турлари

Социал-маданий соҳада гражданларнинг:

1) ССР Иттифоқининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Қонунига мувофиқ белгилаб берилган айрим ихтиссослар бўйича медицина фаолияти билан шуғулланиш;

2) СССР умумий таълим мактабларини, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг ўқув планларига кирмайдиган фанлар ва курслар юзасидан машғулотлар ўтказиш;

3) томоша тадбирларини уюштириш тақиқланади.

Социал-маданий соҳада якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг бошқа турлари билан, агар улар жамият манфаатларига зид бўлса, шуғулланиш ҳам ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунлари билан тақиқлаб қўйилиши мумкин.

V. ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ

20-модда. Халқ бадиий ҳунармандчилиги соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш

Халқ бадиий ҳунармандчилиги соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти, яъни сотиш учун анъанавий халқ санъати, шунингдек манзарали-амалий санъат буюмларини яратиш тегишли бадиий кенгашнинг руҳсати билан ва ушбу Қонуннинг 7-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Давлат халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантиради.

21-модда. Ушбу Қонунда кўзда тутилмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш

Ушбу қонунда кўзда тутилмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш (мўйна, мўйна хом ашёси, гўшт учун ёввойи ҳайвонларни овлаш, ёввойи ҳолда ўсадиган маҳсулотларни йиғиш ва шу кабилар) билан боғлиқ бўлган муносабатлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунлари билан тартибга солинади.

VI. ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН КОНТРОЛЛИК. ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

22-модда. Гражданларнинг якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари устидан контроллик

Гражданларнинг якка тартибдаги меҳнат фаолияти устидан контролликни халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари амалга оширадилар.

Молия органлари ва ички ишлар органлари белгиланган тартибга хилоф равишда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг тақиқланган турлари билан шуғулланувчи гражданларни аниқлашга мажбурдирлар.

23-модда. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузганлик ёки махсус тақиқлаб қўйилган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик учун ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонунларида кўзда тутилган тарзда жавобгарликка тортилади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузган кишиларнинг шундай фаолият билан шуғулланишлари тақиқлаб қўйилиши мумкин. Рухсатнома берган халқ депутатлари Советининг ижроия комитети бу ҳақда қарор қабул қилади. Бунда рўйхатга олинган гувоҳнома ёки патент қайтариб олинади. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тақиқлаб қўйилганлиги хусусида ушбу Қонуннинг 6-моддасида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Гражданларнинг тақиқланган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан, шунингдек тегишли рухсатномасиз якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан олган ҳамма даромадлари граждан-процессуал Қонунларида белгиланган тартибда тортиб олиниб давлат даромадига қўшилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИДАГИ БАЪЗИ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲАМДА «СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИНГ 23-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Олий Совети Президиумининг:

«СССР Атом энергетикаси умумиттифоқ министрлигини тузиш тўғрисида»ги 1986 йил 21 июль Фармони;

«Қурилиш комплексини бошқариш органлари системасини ўзгартириш тўғрисида»ги 1986 йил 19 август Фармони тасдиқлансин.

2. «СССР Министрлар Совети тўғрисида» 1978 йил 5 июлда қабул қилинган СССР Қонуни (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1978 йил № 28, 436-модда; 1981 йил № 26, 839-модда; 1985 йил № 48, 920-модда; 1986 йил № 35, 730-модда)нинг 23-моддаси «Автомобиль саноати министрлиги» сўзларидан кейин «Атом энергетикаси министрлиги» сўзлари билан тўлдирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР БАЪЗИ ҚОНУН АКТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг: «Маъмурий-территориал бирликлар, аҳоли пунктлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа объектларга давлат ва жамоат арбобларининг номларини бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига қўшимча киритиш ҳақида»ги 1986 йил 27 август Фармони;

СССР Олий Совети Президиумининг «Колхозлар мулкини давлат йўли билан мажбурий страхование қилиш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1986 йил 15 сентябрь Фармони;

«Қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплекси қайта ишлаш саноати ходимлари куни» ҳар йилги байрамини белгилаш тўғрисида»ги 1986 йил 2 октябрь Фармони;

«Балоғатга етмаган болаларга нафақа ундириш тартибини бирмунча ўзгартириш тўғрисида»ги 1986 йил 14 октябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ Ю. П. БАТАЛИННИ СССР ҚУРИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Юрий Петрович **Баталинни** СССР қурилиш давлат комитетининг раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 19 август Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎРТОҚ В. М. КАМЕНЦЕВНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАМДА УНИ СССР БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Владимир Михайлович **Каменцевни** СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳамда уни СССР балиқ хўжалиги министри вазифасидан озод қилиш ҳақидаги 1986 йил 1 сентябрь Фармонлари тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ И. В. АРХИПОВНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Иван Васильевич **Архипов** саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 4 октябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ Г. И. МАРЧУКНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВА СССР ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ВАЗИФАЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Гурий Иванович **Марчук** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ҳамда СССР Фан ва техника давлат комитетининг раиси вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 28 октябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ В. М. МИШИННИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

депутат Виктор Максимович **Мишин** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ В. И. МИРОНЕНКОНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОЛИГИГА САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

депутат Виктор Иванович **Мироненко** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

СССР Олий Советининг қарори

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ СОСТАВИГА КИРУВЧИ АЙРИМ ШАХСЛАРНИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

ўртоқ Фёдор Иванович **Лошченко**ни СССР моддий резервлар давлат комитетининг раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 23 июнь Фармони;

ўртоқ Борис Владимирович **Бальмонт** пенсияга чиқ қанлиги муносабати билан уни СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 14 июль фармони;

ўртоқ Николай Александрович **Паничев**ни СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 14 июль Фармони;

ўртоқ Евгений Владимирович **Куловни** СССР атом энергетикасида ишларни бехатар олиб бориш устидан назорат қилиш давлат комитети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 18 июль Фармони;

ўртоқ Геннадий Петрович **Вороновский** пенсияга чиқ қанлиги муносабати билан уни СССР электротехника саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 18 июль Фармони;

ўртоқ Олег Георгиевич **Анфимовни** СССР электротехника саноати министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 18 июль Фармони;

ўртоқ Николай Фёдорович **Луконин**ни СССР атом энергетикаси министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 21 июль Фармони;

ўртоқ Василий Георгиевич **Захаров**ни СССР маданият министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 15 август Фармони;

ўртоқ Владимир Владимирович **Листов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР химия саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 15 август Фармони;

ўртоқ Юрий Александрович **Беспалов**ни СССР химия саноати министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 15 август Фармони;

ўртоқ Николай Тимофеевич **Глушков** пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР нархлар давлат комитети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 18 август Фармони;

ўртоқ Валентин Сергеевич **Павлов**ни СССР нархлар давлат комитети раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 18 август Фармони;

СССР давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Леонид Алексеевич **Бибин**ни СССР министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 25 август Фармони;

ўртоқ Владимир Иванович **Решетилов**ни СССР шимолий ва ғарбий районлари бўйича қурилиш министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 2 сентябрь Фармони;

ўртоқ Аркадий Николаевич **Шчепетильников**ни СССР жанубий районлари бўйича қурилиш министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 2 сентябрь Фармони;

ўртоқ Сергей Васильевич **Башилов**ни СССР Урал ва Ғарбий Сибирь районлари бўйича қурилиш министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йл 2 сентябрь Фармони;

ўртоқ Вадим Михайлович **Малишев**ни СССР атом энергетикасида ишларни бехатар олиб бориш устидан назорат қилиш давлат комитети раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 3 сентябрь Фармони;

ўртоқ Николай Михайлович **Ольшанский**ни СССР минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 6 сентябрь Фармони;

ўртоқ Тимофей Борисович **Гуженко** пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР Денгиз Флоти министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 27 сентябрь Фармони;

ўртоқ Виктор Николаевич **Поляков** пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР автомобиль саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 18 октябрь Фармони;

ўртоқ Николай Андреевич **Пугин**ни СССР автомобиль саноати министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 24 октябрь Фармони;

ўртоқ Юрий Михайлович **Вольмерн**и СССР Денгиз флоти министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1986 йил 24 октябрь Фармони;

ўртоқ Петр Фадеевич **Ломако** пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР рангли металлургия министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1986 йил 31 октябрь Фармони;

ўртоқ Владимир Александрович **Дурасов**ни СССР рангли металлургия министри этиб тайиндаш тўғрисидаги 1986 йил 31 октябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 19 ноябрь.

Ўзбекистон билан танишув

Афғонистон Демократик Республикаси маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари группаси Тошкентга келди. Улар Ўзбекистонда бўлган вақтларида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолияти билан танишадилар, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, илмий муассасалар ва ўқув юртларида бўладилар.

Афғонистонлик меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалига бордилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар, республика пойтахтининг тарихий ёдгорликларини, янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар.

АДР маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллари 20 ноябрь куни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида шу йил 20 ноябрга бўлгач

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Шу жумладан нигичка толали пахта:

ФАРҒОНА	0,03	105,04	0,01	63,31
ТОШКЕНТ	0,03	104,37	—	99,64
СУРХОНДАРЁ	0,21	100,97	0,03	90,41
НАМАНГАН	0,08	100,09	0,03	82,43
Сирдарё	0,21	96,63	0,01	98,79
ҚҚССР	0,14	91,97	0,02	60,33
Андижон	0,10	87,24	0,01	52,48
Хоразм	0,08	85,40	0,12	51,58
Жиззах	0,14	80,01	—	66,13
Самарқанд	0,06	75,29	—	36,28
Бухоро	0,02	74,59	0,03	16,05
Навоий	0,04	60,89	0,04	23,19
Қашқадарё	0,05	59,18	0,10	39,30
Республика бўйича:	0,10	87,02	0,04	62,26
СУРХОНДАРЁ	0,36	160,52	0,07	166,66
НАВОИЙ	0,17	109,46	0,34	35,24
НАМАНГАН	—	109,00	—	1,90
Бухоро	0,12	81,89	—	—
Қашқадарё	0,14	63,74	0,13	62,28
Республика бўйича:	0,27	125,12	0,09	123,28

матбуот маркази хабар қилади

АНДИЖОН

Москва районидаги Ленин номли колхоз деҳқонлари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Мавжуд 864 гектар ердан 2890 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Шунинг 95 процента юқори сортларга сотилди. Ҳар гектар ердан 36—37 центнердан хирмон кўтаришга эришган Тоҳиржон Аҳмаджонов, Тошали Қодиров, Абдураҳмон Деҳқонов бошлиқ бригадаларнинг эришган муваффақиятлари таҳсинга лойиқ.

ЖИЗЗАХ

Дўстлик районидаги Ленин номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бошлиқ бригадасида пахта тайёрлаш бўйича социалистик мажбурият адо этилди. Миришкорлар пландаги 375 тонна ўрнига 497 тонна хом ашё тайёрладилар.

САМАРҚАНД

Каттақўрғон районидаги «Қорадарё» совхозидан пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида хушхабар олинди. Бу ерда 530 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 1500 тонна «оқ олтин» топширилди.

Пешқадам механизаторлардан Абдужамол Пардаев, Зубайдулла Муродов, Руптилла Жумановлар ўз агрегатлари бункеридан 110—120 тоннадан пахта тўкишди.

НАМАНГАН

Областда яна уч хўжалик социалистик мажбурият бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Уйчи районидаги Калинин номли совхоз коллективи область хирмонига 1463 тонна «оқ олтин» топширди. Маҳмуд Мамажонов, Абдували Арслонов, Ортиқбой Мирзаахмедов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 24—26 центнерни ташкил этди. «Ленинград» колхозида ҳар гектар ердан териб олинган пахта 35,3 центнер бўлди. Ўз терим агрегатларини моҳирлик билан бошқариб 110—120 тоннадан дурдона теришга эришган Тоштанбой Сулаймонов, Каримжон Ғаниев, ва Раҳимжон Қаландаровлар хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар.

* * *

Норин районидаги «Октябрь» колхозида тайёрланган пахта 4832 тоннадан ошиб кетди. Хўжаликнинг Собиржон Холмирзаев, Тоштанбой Чеваров, Худойберди Ҳасановлар бошлиқ бригадалари заршунослари юқори кўрсаткичга эришдилар.

* * *

Задарё районидаги «Наманган» совхози ва Наманган районидаги «Коммунизм» колхозида дастлабки довон эгалланди. Айни кунларда бу хўжаликларда социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшириш давом этяпти.

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

БЕШ КУНЛИК ДИРЕКТОРЛАР

Қарши шаҳридаги тикувчилик фабрикасида ҳар гал бўлганимизда нуқул янги директор билан суҳбатлашишга тўғри келади, Мана, бугун бизни яна янги директор қабул қилди.

— Ишни тубдан яхшилаймиз, планлар бажарилишини таъминлаймиз. Хуллас, корхонани илғорлар қаторига олиб чиқишга ҳаракат қиламиз, —деди янги раҳбар.

Шуниси қизиқки, бундай ваъдаларни корхонага кетмакет директорлик қилган М. Жўраев, Э. Йўлдошев, М. Ўроқов, Р. Қодиров, Ҳ. Қаюмова, Г. Темирова ўртоқлардан ҳам эшитган эдик. Ҳаммаси худди келишиб олишгандек.

Ваъда ваъдалигича қолиб кетяпти, фабрикада деярли ўзгаришлар сезилмаяпти. Планлар мунтазам бажарилмаяпти, корхона эса давлатдан кўп миқдорда қарздор бўлиб қолмоқда.

Фабрикада маҳсулот реализация қилиш 8 ойлик плани 61,6 процент бажарилган эди. Август ойида маҳсулот ишлаб чиқариш плани 29,9 процентда қолиб кетди. Қолоқликнинг сабаблари ҳақида ишчиларнинг фикри билан қизиқдик.

— Ишимизнинг юришмаётганига асосан раҳбарнинг тез-тез алмаштирилаётгани сабаб бўляпти, —деди тикувчилик цехи бошлиғи Гулсара Рашидова. —Сўнгги саккиз йилда 12 директор алмаштирилди. Чунки мутахассислиги ирригатор, ўқитувчи ва бошқа касбдаги кишилар директорлик ҳамда директор ўринбосарлигига тайинланяпти.

Ўн икки йилдан буён шу ерда ишлайман, —деди тикувчи Гулчеҳра Сағдиева. —Шу даврда ичида фабрикамиз коллективи танқид эшитмаган бирон йил йўқ. Директорлар келиб-кетавергач, дардингни кимга айтишингни ҳам билмайсан, киши. Биз аксарият ҳолларда материал бўлмаганидан ишсиз, бекор ўтирамиз. Натижада кўплаб тикувчилар ишдан бўшаб кетишмоқда.

— Директорсиз қолавериш жонга тегди, —деди мастер Мўтабар Жўрабоева. — Масалан, шу йил январда директоримиз Ҳ. Қаюмова ишдан бўшагач, бу вазифада май ойигача ҳеч ким ишламади. Кейин директорликка тайинланган Г. Темирова ҳам 2—3 ой ўтмай бўшаб кетди. Раҳбар кўп алмашаверса, ишчилар ҳам топшириқларга бефарқ бўлиб қолар экан.

Фабрика фаолиятида нуқсонлар кўп. Ишлаб чиқариш қувватлари, иш ва маҳсулот сифати назорат қилинмайди. Меҳнат интизоми бўш, социалистик мусобақа ошкоралиги йўқ.

Тикувчилик цехида 46 та машинадан 26 таси бекор турибди. Директор вазифасини бажарувчи Қаҳрамон Абдуллаевдан бунинг сабабини сўраганимизда у мақтанчоқлик билан ишни икки сменада ташкил этганлигини писанда қилди. Аслида-чи, ҳар сменада атиги 20 та машинадангина фойдаланиляпти.

Фабрикада бош инженер, техника назорати бўлими бошлиғи, бош бухгалтер, директор ўринбосари, материал ва ҳисоблаш бухгалтерлари лавозимлари бир неча ойдан буён бўш турибди. Шунинг дек, касаба союз комитети раислигига ҳеч ким сайланмаган. Социалистик мусобақа деган гапни эшитиш мумкин-у, бироқ ўзи сезилмайди.

— Социалистик мусобақага партия ташкилотининг раҳбарлиги қандай?

Бу саволимизга партия ташкилоти секретари М. Нурова лом-мим демади. Тўғри-да, иш бўлмагандан кейин секретарь нимани ҳам гапирсин. Директор ўринбосари Ширинбой Жалилов ҳам меҳнат ва давлат интизомини бузганлиги учун вазифасидан бўшатилди. Сентябрь ойининг 10 куни ичида Зайнаб Жумаева, Гулчеҳра Қодирова, Музайян Набиева, Сора Бўлдошева каби 16 тикувчи ишдан бўшатилди.

Хуллас, фабрикада аҳвол ниҳоятда оғир. Йил бошида давлатдан катта миқдорда қарздор бўлганлиги сабабли корхона газлама билан таъминланмади. Сифатсиз маҳсулот тайёрлаганлиги учун жарима тўлаш авжига чиқди.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхонадаги молиявий тангликни ҳисобга олиб, шу йил бошида 150 минг сўм ёрдам пули ажратган эди. Ана шу маблағнинг бир қисми қарзга тўланиши, бир қисмига газлама олиш керак эди. Лекин фабрикада раҳбар бўлмаганлигидан пул нотўғри сарфланди. Натижада фабрика яна газлама ололмай, иш тўхтаб қолди. Область маҳаллий саноат бошқармаси фабрикага берган 70 минг сўм ёрдам пули ҳам бетайин йўқотилди.

Лекин ишда ҳамон ўзибўларчилик, хўжасизлик давом этяпти. Ишчиларга яхши шароит яратилмаган. Янги қувватларни ишга тушириш, эскиларини ремонт қилиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

Шаҳар партия комитети эса буларга бефарқ қараб келяпти. У директорни алмаштириш билангина ўз вазифасини ўтаган ҳисобламоқда.

Қарши шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети тикувчилик фабрикаси ишини ўнглаб олишлари, ишни қайта қуриб, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг амалий чораларини кўришлари керак.

Э. ЖЎРАЕВ.

ОИЛАВИЙ БРИГАДА ЮТУҒИ

Биз Боёвут совхоз-техникумининг «Пахтакор» бўлимидаги СССР Давлат мукофоти лауреати Абдусамат Саидмуродов бошлиқ оилавий бригада пахтазорларидамиз. Бир томонда подбор териш ва кўсак узиш агрегатлари, бир томонда теримчилар қизғин меҳнат қучоғида.

Эгат бошида тележкага пахта босаётган пахтакорларга кўзимиз тушди. Улардан бири пахтани ағдариб бўлгач, дафтарига нималарнидир ёзиб қўйди.

— Бригаданинг илғор механизатори Абдурауф Саидмуродов,— таништирди совхоз партия ташкилотининг секретари Абдуғофур Алимов. — У бу йил 254,5 тонна пахта терди. Оиланинг 14 аъзоси бу йилги сув камчиллиги ва табиат қийинчиликлари билан олишиб, 66 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Оила бошлиғининг қизлари — Хайринисо, Меҳри, келини — Ҳамроҳон, ўғиллари — Ҳасан, Ҳусан, Абдуқаюм, Мелиқўзи — ҳаммаси бугунги ғалаба йўлида мавсум давомида алоҳида фидокорлик кўрсатдилар.

Ҳа, лауреат бошлиқ оилавий бригада пахта далаларида бу йил ҳосил баракали бўлди. Гектар бошига 33 центнердан уюлган хирмондаги ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинди. Оилавий бригада аъзолари оширилган мажбурият — 40 центнерлик маррани ҳам эгаллашди.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
Боёвут райони.

ФАРҒОНА. Ўзбекистон районидаги консерва заводи ўз маҳсулотларини Иттифоқимиз меҳнаткашларидан ташқари, чет элдаги 20 мамлакатга ҳам етказиб бермоқда. Йил бошидан бери чет элга 2 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилди.

СУРАТДА: корхона экспорт цехи ходимлари Муборак Юнусова (чапда) ва Ёркиной Исоқовалар тайёр маҳсулотни жўнатишга ҳозирлашмоқда.

Ш. Олимов фотоси (ЎзТАГ).

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

БАРБОД БЎЛИШ ХАВФИДА

Ильич номли совхозда барпо этилаётган катта чўчқачилик комплексида тушликдан кейин қурилиш майдони бўшаб қолади. Бу ерда биринчи «Агропромстрой» трести билан «Самарқандсовхозводстрой» трестининг 6-механизациялашган кўчма колоннаси бригадалари кунига беш соатдан ортиқ ишлашмаяпти.

Хўш, қурувчилар танафусда қаерга шошилишади? Уйга бориб тушлик қилиш учун! Юздан кўп ишчи бутун бир ҳафта иссиқ овқатсиз ишлагач, шундай бўладида. Раҳбарлар билан касаба союз комитети ошхонанинг ғамини ейишмагач, бошқа маиший қулайликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Комплекснинг планга кўра ишга туширилишигача атиги бир ярим ой қолганида шундай бўлиб турибди. Ҳолбуки, бу ердаги ишларнинг саноғи йўқ—бинокорлар яна миллион сўмликдан ошадиган иш қилишлари керак.

Лекин бинокорларга ҳам эътироз билдириладиган гаплар бор. Ишларнинг сифати пастлиги, айниқса ташвишлантиради. Деворлардаги сувоқ текис эмас. Салга тўкилиб кетади, гўё цемент ўрнига қуруқ қум ишлатилгандек.

Янги йилгача ишчилар саккиз чўчқахонадан жилла қурса иккитасини битирганларида ҳам (шундан ҳам умид оз), барибир унга чўчқаларни жойлаштириб бўлмайди—совуқда қотиб қолади. Бинокорларнинг ўзлари тан олишларича, ишлар юришса қозонхона май ойидагина тайёр бўлади. Инженерлик коммуникациялари ҳам тайёр эмас — электр, иссиқ сув тармоқлари, водопровод тортилмаган. Тозалаш иншоотлари қурилиши эса «Самарқандсовхозводстрой» трестининг айби билан барбод этилди.

Комплекс ёнида 220 оилага мўлжалланган уй-жой посёлкасини қуриш мўлжалланади. Лекин бу ерда ҳозирча бештагина икки квартирали уйлар тайёр, холос. Уй-жой, социал маданий-маиший аҳамиятдаги бошқа объектларни қуриш суръатлари тамомила орқада. 300 ўринли клуб уч йилдан бери қурилмоқда. Бундан икки йил аввал ишчиларни ишлаб чиқариш биноларини қуришга ташлаш баҳонаси билан шу объектдан олиб кетилганди. Лекин кўриб турибмизки, чўчқахона қурилиши комплексида бу билан аҳвол яхшиланган эмас. Бу орада қаровсиз қолган клуб биноси хароб бўлиб бормоқда.

Хўш, вужудга келган вазиятдан чиқиш йўли борми? Комплекснинг тақдири учун жавобгар мансабдор кишилар шу саволга жавоб беришлари керак. Ахир келаси йили бу ердан камида 6 минг тонна чўчқа гўштини олиш мўлжалланган!

Л. ТОКАРЕВ,
ЎзТАГ мухбири.
Пастдарғом райони.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида босмадан чиқарди:

А. С. ПУШКИН, М. Ю. ЛЕРМОНТОВ. Капитан қизи. Марҳум Иван Петрович Белкин қиссалари. Дубровский. Замонамиз қаҳрамони. Вадим. 464 бет. Баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Тўпламга рус классик адабиётининг буюк намояндаларидан А. С. Пушкин билан М. Ю. Лермонтовнинг жаҳон халқларининг энг севимли китобларидан бўлиб қолган асарлари жамланган.

Сергей БОНДАРЧУК. Мўъжиза истаб. 268 бет. Баҳоси 1 сўм 20 тийин.

Китобда совет киноси санъатида ўчмас из қолдирган Александр Довженко, Василий Шукшин каби ажойиб ижодкорлар ҳақида мароқли ҳикоялар билан бирга кино санъатининг ҳозирги куни-ю анъаналари ҳамда муаммолари ҳақида баҳс юритилади.

Мирза КЕНЖАБОЕВ. Муножот. Шеърлар ва достон. 120 бет. Баҳоси 60 тийин.

Тўпламга шоирнинг она-Ватан туйғуси, бугунги кун олами руҳиятидаги турли ҳолатлар тасвир этилган шеърлар, шунингдек Ҳофиз Шерозий, Карл Маркс, Александр Пушкин ижодидан қилинган айрим шеърий таржималар ҳам киритилган.

Ботир НОРБОЕВ. Ҳақиқат ва бадиият қудрати. 264 бет. Баҳоси 80 тийин

Китобда шеъриятимизнинг тараққиёт йўналишлари, насримиз ва танқидчилигимиздаги айрим масалаларга бағишланган мақолаларни ўқийсиз.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

СОДИҚ ЛЕНИНЧИ

Я. Х. Петерс туғилган кунининг 100 йиллигига

Я. Х. Петерснинг революцион йўли—оташин большевик йўли. У 1886 йилнинг 21 ноябрида Курляндия губерниясининг (ҳозирги Латвия ССР) Бинкан волостида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Ёшлигиданоқ деҳқон меҳнатининг жабрини тортди, чўпонлик қилди. Оиланинг моддий аҳволи оғир бўлганлиги сабабли фақат икки йиллик қишлоқ мактабини битира олди. 1904 йилда у Либавага кўчиб бориб, элеваторга ишчи бўлиб кирди. Ўша йили Латвия ўлка социал-демократиясининг Либава ташкилотига аъзо бўлди. Марксистик адабиётларни ўрганиб, олган билимларини пролетариат ўртасида пропаганда қилиш билан уйғунлаштирди.

Ёш революционер 1905—1907 йилларда Латвиядаги революцион курашларда фаол қатнашди. Партия топшириғига биноан Курляндия губернияси аҳолиси ўртасида иш олиб борди. 1907 йил мартида Либава ёғ заводидаги иш ташлаш ташкилотчиларидан бири сифатида қамоққа олинди. Икки йил турмада ўтирди.

Чор полицияси қувғини давом этгани сабабли 1909 йилда Англияга муҳожирликка кетди ва у ерда инглиз пролетариатининг курашида қатнашди. Латвия ўлка социал-демократияси чет эл группаларининг большевистик бюроси тузилгандан кейин у Лондон бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Яков Христофорович 1917 йил апрелида Россияга қайтади ва Ригада, ҳарбий ташкилотларда пропагандист бўлиб ишлади. Латвия социал-демократик партиясининг 1917 йил ёзида бўлиб ўтган I очиқ съездида партия Марказий Комитетининг аъзоси ва унинг РСДРП(б) Марказий Комитетидаги вакили этиб сайланди.

1917 йилнинг кузига қадар Я. Х. Петерс Вольмар шаҳрида (ҳозирги Латвия ССРдаги Валмиера шаҳри) Латвия социал-демократик партиясининг марказий органи бўлмиш «Циня» газетасининг редактори бўлиб ишлади. Шу жойдан Петроградда бўлиб ўтган Советларнинг II Бутунроссия съездига делегат этиб сайланди. Съездда Я. Х. Петерс Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети составига киритилди ва Ҳарбий-революцион комитетнинг аъзоси сифатида Петроградда ишлашга қолдирилди. Петроградда контрреволюцияни қуролсизлантириш ва тор-мор этишда яқиндан иштирок этди.

Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин олиб борган 1917 йил 7 (20) декабрь кунги мажлисида контрреволюция ва саботажга қарши кураш бўйича Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси —ВЧКни тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Совет ҳукумати бу янги давлат органининг вазифалари, мақсадлари ва структурасини белгилаш билан бирга, унинг шахсий составини ҳам тасдиқлади. Ф. Э. Дзержинскийнинг таклифи билан ана шу ташкилот составига Яков Христофорович Петерс ҳам киритилди. У ВЧК коллегиясининг аъзоси этиб тайинланди.

Яков Христофорович 1918 йил июлидан 1919 йилнинг мартига қадар ВЧК раисининг ўринбосари ва Революцион трибунал раиси бўлиб ишлади. Талантли ташкилотчи комиссиянинг ишини йўлга қўйиш, чекист кадрларни тайёрлаш, уларни партиямизнинг юксак талаблари руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди. Революция душманларига қарши курашда ВЧК органлари социалистик

қонунчилик доирасидан чиқмасликлари, ҳар доим меҳнаткашлар оммасига таяниб, партиянинг кундалик назоратида иш олиб боришларига доимий эътибор берди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида чекистлар кўпдан-кўп жиноятчиларни қуролсизлантирдилар. Қатор контрреволюцион ташкилотларни фош қилдилар.

Яков Христофорович В. И. Лениннинг шахсий топшириқларини кўп марта ва сидқидилдан бажарди. Революция душманларига қарши кураш ишига қўшган ҳиссаси учун Владимир Ильичнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Ашаддий контрреволюционер Б. Савинковнинг хавфли ташкилотини тугатиш ишига айни шу Я. Х. Петерс бошчилик қилди. Москвадаги сўл эсэрлар исёнини бостиришда Локкарт ва Рейли фитналарини очишда актив қатнашди.

Яков Христофоровичнинг катта тажрибасини назарда тутиб, партия уни гражданлар урушқ вақтида фронтларнинг энг оғир участкаларига юборди. 1919 йилнинг баҳорида қаҳрамон Петроград Юденичнинг оқ галалари хуружини даф этаётганда Петерс ички мудофаа бошлиғи этиб тайинланди. Юденич галалари тор-мор этилгандан кейин Киевга юборилди. Кейин эса Деникин галаси Тулага яқинлашиб келаётганда, шу шаҳарга юборилди.

Я. Х. Петерс 1919 йил охиридан бошлаб РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Совети ҳузуридаги комитет раисининг ўринбосарлигига тайинланди. Шимолий Кавказда ВЧКнинг мухтор вакили бўлиб ишлади. Бу вақтларда бутун кучини Деникин галасини узил-кесил тор-мор этиш ва Врангелга зарба беришга қаратди. Гражданлар уруши фронтларини таъминловчи муҳим темир йўл магистралининг узлуксиз ишлашини таъминлади.

Я. Х. Петерс 1920 йил августида ВЧКнинг Туркистон Республикасидаги мухтор вакили этиб тайинланди ва айни вақтда РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюросининг аъзоси ва бошқа вазифаларини бажарди. Унинг Туркистонга юборилиши ёш республикани тажрибали ва малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, бу ердаги аҳволнинг мураккаблиги билан боғлиқ эди. У Туркистонда ишлаган бир ярим йил мобайнида ўлка ҳаётида чуқур из қолдирди. Совет Шарқида социализм қурилиши ишига катта тажрибасини назарда тутиб, Туркистон Республикаси Советларининг IX съездида Туркистон Марказий Ижроия Комитети составига, сўнгра эса унинг Президиуми аъзолигига сайланди. Туркистон комиссиясининг бутун иши унинг актив иштирокида амалга оширилди.

Яков Христофорович ўлка ишчилари ва деҳқонлари олдида сўзлаган нутқларида, суҳбатларида партия ва Совет ҳокимиятининг сиёсатини тушунтириб берарди. Унинг Туркистондаги ички аҳволнинг энг муҳим масалаларига бағишланган мақолалари газета ва журналларда эълон қилиниб турди.

Я. Х. Петерснинг фаолиятида босмачиларга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун Я. Х. Петерс ташаббуси билан босмачиларга қарши кураш бўйича қисмлар ва махсус милиция отрядлари, қишлоқларда ўзини-ўзи ҳимоя қилиш қисмлари тузилди Яков Христофорович босмачилик ҳаракати авж олган районларга бориб, уларни тугатишда шахсан қатнашарди. Ўлка меҳнаткашлари ҳам ўз навбатида Яков Христофоровични улуғ доҳий В. И. Ленин ҳаётини қўриқлашдаги меҳнатини яхши билар ва ёш республикадаги фидокорона ишларини муносиб қадрлардилар.

Я. Х. Петерс 1923 йилдан ОГПУ коллегиясининг аъзоси бўлиб ишлади. Партия XII—XVI съездларининг делегати бўлди. Партия XII съездида РКП(б) Марказий Контрол комиссияси аъзолигига сайланди. Ватан унинг хизматларини юксак қадрлади—жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Яков Петерс ўзининг бутун ҳаётини халқ бахт-саодати учун бағишлади. Шунинг учун ҳам унинг сермазмун ва ёрқин ҳаёти партиямизнинг буюк ишига, социализм қурилиши тантанасига хизмат қилишнинг ажойиб намунасидир.

Т. ПОДЛИПСКАЯ,
тарих фанлари кандидати.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ
39-ТИРАЖИНИНГ
РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1986 ЙИЛ 15 НОЯБРДА ҚОЗОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг ўттиз уч разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200155	040*)	1000	236270	074*)	2500	265793	053*)	1000
200298	073*)	2500	237570	038*)	1000	266761	1—100	100
200862	025*)	1000	238344	082*)	500	267135	045*)	500
201030	053*)	2500	238369	097*)	500	268016	1—100	100
201156	068*)	500	238834	049*)	5000	269309	018*)	500
201234	1—100	250	239661	1—100	250	269416	071*)	1000
201761	076*)	500	239683	054*)	2500	269839	1—100	100
202781	1—100	500	240537	1—100	250	269947	1—100	100
202913	1—100	250	240591	078*)	1000	271104	075*)	1000
203012	1—100	100	240872	045*)	500	271493	079*)	500
204503	1—100	250	241346	050*)	1000	272029	055*)	500
206183	1—100	100	242225	094*)	1000	272270	034*)	500
206450	100*)	1000	242455	077*)	1000	272621	1—100	100
206703	1—100	100	242542	039*)	500	273396	1—100	500
207361	1—100	100	242956	051*)	500	273464	034*)	1000
207786	038*)	500	243129	1—100	100	274263	051*)	1000
208781	1—100	250	244926	1—100	250	274781	065*)	1000
208900	079*)	2500	244937	1—100	250	274857	1—100	250
209158	066*)	1000	245392	1—100	100	275376	034*)	5000
210028	053*)	500	245880	1—100	250	275638	1—100	100
210043	042*)	1000	245967	051*)	500	276135	055*)	1000
211888	1—100	100	246007	1—100	100	276330	078*)	1000
212758	1—100	250	246806	070*)	500	276878	008*)	500
213169	080*)	500	247356	041*)	1000	277849	032*)	500
213929	063*)	500	248584	1—100	250	277964	068*)	1000
214136	1—100	250	248710	1—100	250	278357	1—100	100
214326	059*)	1000	249395	098*)	1000	278897	078*)	1000
214364	024*)	500	249648	094*)	500	278919	1—100	250
214456	1—100	100	249891	1—100	100	278960	087*)	500
216255	1—100	100	249950	034*)	1000	279030	1—100	100
216616	080*)	1000	249957	087*)	2500	279816	022*)	1000
217653	1—100	100	250120	062*)	2500	280303	041*)	1000
218753	077*)	1000	251952	096*)	500	280532	1—100	250
218880	1—100	100	252413	034*)	500	281715	1—100	250
219232	048*)	500	252811	1—100	250	282012	008*)	1000
219233	073*)	500	253901	076*)	2500	282437	096*)	1000
219290	1—100	250	253983	1—100	100	283068	099*)	500
219870	090*)	2500	254027	1—100	100	284149	1—100	100
220260	097*)	1000	254245	011*)	500	285086	1—100	100
220640	080*)	1000	254380	079*)	500	287243	022*)	2500
221121	086*)	500	254511	097*)	500	287805	064*)	1000
221975	041*)	5000	254892	013*)	500	288374	039*)	2500
222141	1—100	250	255108	1—100	100	288953	076*)	500
222226	1—100	100	255181	076*)	1000	289716	009*)	500
222673	076*)	2500	256784	009*)	1000	290330	1—100	100
222710	040*)	1000	256801	010*)	500	290347	1—100	250
224433	073*)	1000	256818	1—100	100	290882	046*)	1000
224888	081*)	500	257400	1—100	100	291306	054*)	2500
224990	100*)	1000	257687	090*)	500	291330	041*)	1000
225668	1—100	250	258574	002*)	2500	292088	085*)	2500
226378	010*)	500	258718	028*)	500	292249	1—100	100
226506	005*)	500	258778	1—100	100	292653	098*)	10000
226714	039*)	1000	258849	011*)	500	293774	1—100	250
226878	045*)	1000	258965	086*)	1000	293863	044*)	1000
228505	1—100	100	260835	013*)	500	294009	074*)	500
228621	038*)	1000	260863	1—100	100	294848	031*)	1000
228668	081*)	500	261170	019*)	1000	295022	069*)	2500
231426	051*)	5000	261799	021*)	500	295967	039*)	1000
231537	1—100	250	261941	1—100	250	295997	100*)	5000
232088	023*)	500	261973	1—100	100	296994	009*)	2500
232327	1—100	100	262432	036*)	1000	297892	064*)	1000
232343	054*)	500	262844	1—100	100	298241	100*)	1000
232914	003*)	2500	263260	1—100	100	298417	051*)	2500
233553	011*)	1000	263498	046*)	1000	298493	075*)	500
234798	1—100	100	263540	1—100	100	299178	1—100	100
234884	022*)	500	263603	088*)	1000	299716	1—100	100
235781	034*)	2500	264950	007*)	1000			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига, айнан 200, 500, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10.000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм ютуқ чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10.100 сўм ютуқ тўланади. 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, омонат кассалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — Татаристон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. ДАНИЛЕВСКАЯ.

Комиссия масъул секретари — Т. И. СУШЧИНИНА.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДА

МАВЖУДОТ СИРЛАРИ САРИ

● Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг микробиология институтида ўсимликлар ирсиятини бошқариш проблемасини ҳал этиш сари янги қадам қўйилди.

Биология фанлари кандидати А. Расулов раҳбарлигида бир группа олимлар жаҳонда биринчи марта тирик организмлардаги оқсил синтези учун «жавобгар» генни ажратдилар.

Бу ген оқсилни синтез қилувчи ўн олтита ферменттдан иборат занжирда асосий роль ўйнайди. Биринчи фермент организмга келувчи азотдан аммиак вужудга келтиради, қолганлари эса уни оқсилнинг таркибий қисмлари бўлмиш аминокислоталарга айлантиради.

Ўсимлик азотга «тўйингач» оқсил модда ҳосил қилмай қўйиши аниқланди. Чунки азотли ўғитнинг қўшимча дозалари билан ҳосилдорликни оширишга уринишлар ҳам бехудадир. Ўша «асосий» генга табиат ўзига хос чеклагични жойлаштирган кўринади. Ана шу ген олиб ташланса, ғоят серҳосил ўсимликлар яратиш йўли очилади-қўяди.

Ҳозир тошкентлик генетиклар шу генни соф ҳолда ажратиб ола билдилар. Вазифа нақадар мураккаблигини шундан билса бўладики, тадқиқот объекти одам сочининг толасидан миллион марта ингичкароқдир. Шундай бўлса-да, генниг структураси, вазифалари, таъсир механизми ўрганиб чиқилди. Икки хил тип ген бор бўлиб, уларнинг биринчиси чеклагичли ва иккинчиси чеклагичсиз экан.

— Принципиал олганда, ўсимликнинг азотга «бўкишига» имкон бермайдиган чеклашларни олиб ташлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз, деди А. Расулов. — Ўшанда у исталган миқдорда ўғитни қайта ишлаб, оқсил массасини беҳад кўпайтириб бора олади. Бундан ташқари, озиқлантиришга муҳтож бўлмайдиган ўсимлик яратиш ҳам мумкин бўлади. Чунки бу ўсимликлар азотни тўппа-тўғри ҳаводан олиб туради. Энг муҳими эса ана шу сифатлар наслга ўтказилади.

Айтилган бу гаплар ҳозиргача орзу-ҳавасдангина иборат бўлса-да, аммо бунинг реал пойдевори бор. Мўлжалдаги ишларни амалга ошириш учун йиллаб қаттиқ ишлашга тўғри келади, деди олим.

Ю. БОНДАРЕНКО,
(ЎзТАГ).

Ахборот

Сайёҳлар маскани

Қадимий ва навқирон Тошкентда яна бир кўркам бино қад ростлади. Ўзига хос бежирим ва нафис кўринишли бу бино шаҳар архитектураси ансамблига уйғунлашиб кетди.

— Шаҳар марказида фойдаланишга топширилган бинога «Туристлар уйи» деб ном бердик. Боиси, меҳмондўст пойтахтимиз йилдан-йилга саёҳатсеварлар масканига айланиб бормоқда, — дейди СССР Чет эл туризми давлат комитети Тошкент шаҳар бўлими бошқарувчиси Қ. Тўлаганов. — Бугунги кунда пахтакор ўлкамизга ГДР, Венгрия, Чехословакия каби социалистик мамлакатлар, ГФР, Англия, Франция, Америка сингари капиталистик давлатлардан сайёҳлар ташриф буюришмоқда. Умуман чет эл туристларида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Қўшқаватли сайёҳлар масканида саёҳатчиларнинг дам олишлари, ҳамкорлик қилишлари учун етарли шарт-шароитлар бор. 600 ўринли зал йиғинлар, анжуманларга мўлжалланган. Юмшоқ ўриндиқларга таржима қилиш қурилмалари ўрнатилган. Бу ерда фильмлар намойиш этиш, концертлар қўйиш учун имконият бор. 170 ўринли кичик зал эса турли учрашувлар, симпозиумлар ва конференцияларга мўлжалланган. Бир сўз билан айтганда янги бино ўзига хос маданий ахборот маркази, дўстона мулоқотлар масканига айланади, деб умид қиламиз.

Ҳ. БУРҲОНОВ.

Янги бинолар

Андижон шаҳридаги 5-ўрта мактаб эски, кўримсиз бинога жойлашган эди. Бугун унинг ўрнида кўп қаватли кўркам бино бунёд этилди. Янги мактабда 1568 ўқувчи бир сменада ўқиб таълим олади. Уларга юздан ортиқ педагог фан сирларини ўргатади. Дарслар замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган кабинетларда ўтилади. Билим маскани, шунингдек, 240 ўринли ошхона, 320 ўринли мажлислар зали, катта спорт майдончасига ҳам эга.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Қулайликлар

● ОЛМАЛИҚ. Кимёгарлар шаҳрида 200 ўринли ёпиқ бозор фойдаланишга топширилди. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш учун барча қулайликлар яратилган.

О. ХУШНАЗАРОВ.

● ФАРҒОНА. Янгиобод қишлоғида «Ферганаводстрой» трести бунёдкорларига 20 та уйнинг калити топширилди. Шунингдек, бу ерда янги ҳаммом ва маъмурий бино қуриб битказилди.

А. МАДРАҲИМОВ.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Яқинда Хоразм область Қўшкўпир райони марказида 120 ўринли болалар касалхонаси ишга тушди. Замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохонада истиқбол эгалари соғлиғини муҳофаза этиш учун ҳамма шароит яратилган. Кунига беш минг порция сутли таом тайёрлайдиган ошхона ҳам ишлаб турибди. Суратда: педиатр С. Отаназарова. У ўз назоратидаги ҳар бир болага ана шундай меҳрибонлик кўрсатади.

Қ. ОТАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

спорт

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ШАХМАТ. Бирлашган Араб Амирликларининг Дубаи шаҳрида жаҳон олимпиадаси давом этмоқда. 4-тур ўйинларидан кейин совет аёллар терма командаси 10 очко билан биринчи бўлиб олди. Шахматчиларимиз Руминия коллективини 2:1 ҳисобида ютишди. Шахматчи эркаклар командаси ҳам 13 очко тўплаб, Югославия коллективи билан фахрли ўринларни эгаллаб турибди.

● ЧИМ ХОККЕЙ. Мамлакат чемпионлари — «Андижанка» командаси қизлари ГДР бўйлаб сафарда дастлабки учрашувни ўтказишди. Улар Лейпциг шаҳрининг «Эмпор» командасини 6:0 ҳисобида ютишди. Тўпларни Л. Дрепина билан М. Бойқўзиевалар киритишди.

● Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова хотира-соврини учун ўтказилган Бутуниттифоқ анъанавий турнири якунланди. Майдон эгалари —Тошкент областининг «Политотдел» командаси бош соврини қўлга киритди. «Связист» (Олмаота) ва «Коммунальщик» (Барнаул) коллективлари иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

● БОКС. Тошкентда СССР Қуролли Кучлари боксчилари ўртасида мамлакат чемпионати ўтказилмоқда. 200 га яқин боксчи саралаш баҳсларида иштирок этмоқда. Ҳозирча Х. Матжонов, А. Григорян, С. Василенко, А. Аҳроровлар учрашувларни муваффақиятли давом эттиришяпти.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ КОНГОДА

БРАЗАВВИЛЬ, 19 ноябрь. ТАСС мухбири Борис Филиппов хабар қилади: СССР кунларини ўтказиш доирасида Конгода меҳмон бўлиб турган Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Т. А. Ешимбетова бошчилигидаги Совет Ўзбекистони делегациясини Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Конго касаба союз конфедерациясининг Бош секретари Ж.-М. Бокамба—Янгума қабул қилди. Учрашув чоғида дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат вақтида Ж.-М. Бокамба—Янгума Конгода социалистик жамият қуриш ишида касаба союзларининг иштироки тўғрисида гапириб берди.

Кеча делегацияни Конго Миллий халқ мажлисининг раиси Ж. Ганга—Зандзў қабул қилган эди. У ҳар икки мамлакат ўртасида доимо ривожланаётган ҳамкорликнинг муҳим эканини уқтириб, СССР билан Конго ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини айтди.

ОБ-ҲАВО

Узбекистон ССР гидрометеорология марказининг хабар қилишича, шу кеча-кундузда республика территориясида ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади. Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё областларида бир оз қор ёғади. Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг айрим жойларига кучсиз туман тушади. Қолган ерларда ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2—7, жанубда 0—5, шимолда 10—11 даража совуқ, кундузи 1 даража совуқ билан 4 даража иссиқ ўртасида, жанубда 8 даражагача иссиқ, шимолда 0—5 даража совуқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, айтарли ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқдан секундига 3—5 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2—4 даража совуқ, кундузи 0—2 даража иссиқ бўлади.

ТУЗАТИШ

Газетанинг кечаги сонида эълон қилинган СССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун текстининг биринчи устун 28-қаторидаги 400.964.715 рақамига «минг» сўзи қўшиб ўқилсин.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/XI да Спартак, 22/XI да Тоҳир ва Зуҳра.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 21/XI да Келинлар қўзғолони, 22/XI да Рўё.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26 ноябрь соат 19.30 да. Л. Минкуснинг «ДОН КИХОТ» БАЛЕТИДА

Ленинград опера ва балет театрининг солистлари, РСФСР Давлат мукофотининг лауреати, Москвада бўлиб ўтган халқаро конкурс лауреати

ОЛЬГА ЧЕНЧИКОВА ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист, РСФСР Давлат мукофотининг лауреати, Варнада бўлиб ўтган халқаро конкурс лауреати

МАРАТ ДАУКАЕВнинг

ГАСТРОЛЛАРИ

Билетлар сотилмоқда.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 22/XI дан бошлаб Ленинград цирки артистларининг гастроллари (16, 19.00).

Тошкент марказий универсал магазини коллективи собиқ коммерция директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими

Бобожон МАҲМУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Тингланг, томоша қилинг

21 НОЯБРЬ, ЖУМА

ТВ

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.45 — «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм. 2-фильм, 3-серия. 11.05 — «Дунё ва ёшлар». 11.40 — «Денис мактабга борди». 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Концерт. 16.35 — «Рус тили». 17.10 — Н. Носов қаҳрамонлари экранда. «Видмасвой қуёшли шаҳарда». 18.25 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — «Ҳамдўстлик». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Хизмат кўрсатган спорт мастери Ю. Власов билан учрашув. 21.00 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — Катта ёшдагилар учун контрол иш. 23.15 — «Дунё воқеалари». 23.30 — Концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Музика. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Умумий биология. 11.35 — Тарих. 12.05 — «Сиз яратган боғ». 13.10 — Катта ёшдагилар учун контрол иш. 15.05 — И. Вабель. Асарлари саҳифаларида. 16.00 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Грузин халқ қўшиқлари. 19.05 — «Жиноят қидирув бўлимининг оддий иш кунлари». Бадиий фильм. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Мини-футбол. Халқаро турнир. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. «Динамо» (К) — «Зенит». «Спартак» — «Нефтчи».

УзТВ-I. 7.25 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — «Ёшлик». 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — Ахборот. 8.50 — Телефильм. 16.35 — Рус адабиёти. 17.05 — Болалар учун фильмлар. 17.30 — «Касблар ҳақида ҳикоялар». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари». 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Қишга ҳамма нарса тахтми?» 19.30 — «Ахборот». 19.50 — М. В. Ломоносов туғилган кунининг 275 йиллигига. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўзбек классик қўшиқлари. 21.30 — «Время». 22.00 — «Ахборот» танқид қилади... 22.20 — «Довюрак рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.15 — «Оққўнгил кишилар». Бадиий фильм. 20.35 — Ритмик гимнастика. 20.55 — «Янги анъаналар — ҳаётга!». 21.30 — «Время». 22.05 — Фрунзе. «Энг асосийси — сифат».

Р

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Меҳнат шарофати». 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 10.15 — Оркестр куйлари. 11.15 — «Юность». 12.10 — «Строитель Узбекистана». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — «Ялла» ансамбли иштирокида концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Қаҳрамон пионерлар». 18.15 — Шу кунниг қўшиқлари. 18.30 — «Инсон ва қонун». 19.25 — «Ёшлик» 21.15 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.30 — «Бугун» радиотеатрда».

Р. — 11087. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. — 263. ИНДЕКС 64583.